



ЖАҲОНДА КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЗАРУРАТИ

А.Ю.Давланов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва
табиркорлик олий мактаби магистранти Высшей школы бизнеса и
предпринимательства при Кабинете Министров Республики Узбекистан
alilion188181@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14730740>

Аннотация

Жаҳонда коррупция кўриниши, унинг тарихий илдизлари ва асосий келиб чиқиш сабаблари турлича. Муаллиф иқтисодий, ижтимоий-маданий, сиёсий ҳамда институционал омилларни кўриб чиқиб, коррупция ривожланишини тезлаштирувчи жиҳатларини очиб беради. Шунингдек, мақолада коррупцияга қарши курашиш зарурати иқтисодиёт барқарорлиги, сиёсий тизим мустаҳкамлиги ва жамоатчилик ишончини сақлаш борасида қандай аҳамият касб этиши кўрсатилади. Қонун устуворлиги, мустақил суд тизими, рақамли технологиялар ва жамоатчилик назорати каби чоралар коррупция иллатини камайитиришда энг самарали восита сифатида тақдим этилади.

Калит сўзлар: Коррупция, коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, коррупцияга қарши кураш механизмлари, ҳуқуқий ислоҳотлар, рақамли технологиялар, ҳалқаро тажриба.

Замонавий шароитларда коррупция “барча давлатларни таъсир қилувчи энг жиддий жаҳон муаммоларидан бири” деб тан олинган. У миллий иқтисодиётларни беқарорлаштиради, инсон ҳуқуқларини бузади, адолат тамойиллари асосини сарситади, жамиятда ижтимоий зўриқишни келтириб чиқаради. Коррупция кўринишларининг хилма-хиллиги ва эволюцияси, замонавий давлатлар учун асосий трансмиллий таҳдидларнинг бирини ташкил этган ҳолда, коррупцияга қарши курашишда мувозанатли механизмни шакллантириш зарурлигини, аввало, халқаро даражада, алоҳида давлатларнинг миллий даражасида ва минтақавий даражада белгилади. Антикоррупция ҳуқуқий сиёсатини ҳуқуқий сиёсат тури сифатида ўрганиш замонавий ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шароитларда долзарб ва зарур ҳисобланади.

Дунё ўзгаргани сайин, коррупция кўлами ҳам ўзгаради. Глобаллашув ва жаҳон ҳўжалиги шаклланиши коррупцияга халқаро даражага чиқиш ва замонавий дунёда энг катта ва хавфли кўринишлардан бирига айланиш имконини берди. Бугунги кунда коррупция бутун дунёда энг жиддий



муаммолардан бири ҳисобланади.

Transparency International ташкилоти раиси Франсуа Валериан таъкидлайдики: “Коррупция жазо чоралари қўлланиб, ҳукуматлар чеклаб турилмагунича ривожланаверади. Адлия тизими пора эвазига бўйсундирилган ёки сиёсий аралашувга учрайдиган жойларда энг кўп жабр кўрадиганлар - оддий одамлардир. Раҳбарлар қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашувчи институтларнинг мустақиллигини таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этишлари лозим. Коррупция жазосиз қолиши ҳолатига барҳам бериш вақти келди”.¹

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияни “барча мамлакатларга таъсир кўрсатувчи мураккаб ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса” сифатида кўради, бироқ бу терминга нисбатан батафсил изоҳ бермайди. Қизиқ томони шундаки, ҳатто БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенция” матни ҳам аъзо мамлакатлар курашиши керак бўлган тушунчага аниқ таъриф бермайди. Бу эса коррупция жуда мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса эканлиги, унга ягона, бир вақтнинг ўзида ҳам тўлиқ, ҳам етарлича аниқ таъриф бериш мушкуллиги билан изоҳланади.

Коррупцион муносабатларнинг шакллари (қандай ва нима мақсадда):

- Порахўрлик, тамагирлик, ноқонуний даромад олиш;
- Давлат ресурслари ва маблағларини ўғирлаш ёки хусусийлаштириб олиш;
- Ноқонуний эгаллаш (қалбакилаштириш, сохталаштириш, алдаш орқали пул ёки мулкка эгалик қилиш), давлат фондларидан фойдаланишда суиистеъмол қилиш, маблағларни талон-торож қилиш;



1-расм. Коррупционер мансабдор шахснинг фаолият турлари бўйича



коррупция муносабатларининг таснифланиши²

- Непотизм (қариндошлар ёки дўстларни лавозимларга тайинлаш), фаворитизм;
- Шахсий манфаатларни илгари суриш, тил бириктириш (алоҳида шахсларга преференциялар тақдим этиш, манфаатлар тўқнашуви);
- Муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун совға олиш;
- Ҳимоя қилиш ва йўл очиб бериш, ёлғон кўрсатма бериш;
- Ҳокимиятдан суиистеъмол қилиш (қўрқитиш ёки қийноқлар);
- Тартибга солиш (регуляция) механизмлари билан манипуляция қилиш (бир гуруҳ ёки шахс манфаатига мувофиқ қарорлар қабул қилиш);
- Рента излаш - тамагирлик (давлат хизматчилари ноқонуний равишда хизматлар учун тўлов жорий этишлари ёки сунъий тарзда танқислик яратишлари).

Замонавий дунёда коррупция ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай давлатда учрайди. Умуман олганда, уни бутунлай йўқ қилиш ҳақида даъво қилиш мумкин бўлган мамлакатлар деярли мавжуд эмас. Бундан ташқари, коррупция ҳолатининг бугунги босқичида унинг ярқин ифодаланган халқаро табиати асосий хислатдир. Бу бир қатор омиллар билан белгиланади, энг муҳимларидан бири эса глобаллашувдир. Глобаллашув миллий чегараларнинг иқтисодий ошкоралигини шакллантириб, капитал, товарлар ва ишчи кучи эркин ҳаракатини таъминлайди, шунингдек, миллий иқтисодиётларнинг жиноийлашувини ҳам кучайтиради. Бундай ҳолатни бир қатор халқаро ташкилотлар, хусусан, “Transparency International” (TI) - коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро нодавлат ташкилот - ўтказган тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Мазкур ташкилот фаолиятининг энг муҳим йўналиши дунёда коррупцияни қабул қилиш даражасини ўрганишдан иборат.

1-жадвал

Жаҳон миқёсида коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари³

Турлари	Сабаблар	Изоҳ
Иқтисодий омиллар	Кам таъминланганлик ва маошлар пастлиги	Давлат идоралари ёки хусусий секторда ишлаётган ходимлар етарлича даромад олмаганда, улар пора олиш ёки ноқонуний йўл билан пул ишлаб топишни ирода



		қила бошлаши мумкин.
	Муаммоли молиявий тизим	Барқарор банк-молия тизимининг йўқлиги, ноқонуний ҳисоб-китоблар, оффшор операциялар коррупция авж олиши учун замин яратади.
Ижтимоий-маданий омиллар	Норасмий муносабатлар урф-одатга айланиши	Кўплаб мамлакатларда “совға” ёки “таранглашган муносабатларни юмшатиш” мақсадида пора бериш каби иллатлар анъана сифатида қабул қилинади.
	Қонун устуворлиги даражаси пастлиги	Аҳолида ҳуқуқий маданият паст бўлганда, порахўрликни “муаммони тез ҳал қилиш воситаси” сифатида кўриш ҳолатлари кўпайиши мумкин.
Сиёсий омиллар	Мустақил суд тизимининг йўқлиги	Судлар сиёсий босим остида ёки манфаатдор гуруҳларга бўйсунитиш коррупцияни жазосиз қолдириши мумкин.
	Давлат бошқарувида шаффофлик йўқлиги	Шу туфайли миллий бойликни талон-торож қилиш, “откат”лар, махфий келишувлар каби ноқонуний ҳаракатлар муаммоси вужудга келади.
Институтционал муаммолар	Коррупцияга қарши аниқ механизмлар йўқлиги	Назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ички текширув, комплаенс, хатарларни баҳолаш тизимлари самарали ишламаганда, коррупция кучайиши табиий.
	Мустаҳкам назорат ва жамоатчилик мониторинги йўқлиги	Очиқлик ва ҳисобдорлик бўлмаган жойда мансабдорлар ёки ваколатли шахслар истаганича суиистеъмол қилиши мумкин.

Коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича, 180 та мамлакат ва



худудлар давлат секторидаги коррупция даражасига мавжуд, унда баҳолаш шкаласи 0 дан 100 гача этиб белгиланган. 0 - коррупция жуда юқори даражада эканини, 100 эса коррупция жуда паст даражада эканини англатади.

Дания (90 балл) индексда олти йил кетма-кет етакчилик қилмоқда, ундан кейин Финляндия ва Янги Зеландия (мувофиқ равишда 87 ва 85 балл) жойлашган. Адлия тизими пухта ташкил этилгани сабабли ушбу мамлакатлар Ҳуқуқ устуворлиги индексининг ҳам биринчи ўринларидан жой олган.

Индексдаги энг қуйи ўринларни Сомали (11 балл), Венесуэла (13 балл), Сурия (13 балл), Жанубий Судан (13 балл) ва Яман (16 балл) эгаллаган. Ушбу мамлакатлар асосан қуролли можаролар давом этаётган узоқ муддатли инқирозни бошдан кечирмоқда.

23 та мамлакат, жумладан юксак рейтингга эга бир нечта демократик мамлакатлар (Буюк Британия (71 балл), Исландия (72 балл), Нидерландия (79 балл) ва Швеция (82 балл)) ҳамда бир қатор авторитар давлатлар (Венесуэла (13 балл), Эрон (24 балл), Россия (26 балл) ва Тожикистон (20 балл)) бу йил тарихий минимал даражада кўрсаткич қайд этган.

2018 йилдан буён 12 мамлакатда коррупцияни қабул қилиш индекси кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайган. Бу рўйхатга паст ва ўрта даромадли мамлакатлар (Венесуэла (13 балл), Гондурас (23 балл), Либерия (25 балл), Мьянма (20 балл), Никарагуа (17 балл), Сальвадор (31 балл) ва Шри-Ланка (34 балл)) билан бир қаторда ўртадан юқори ва юқори даромадли мамлакатлар (Австрия (71 балл), Аргентина (37 балл), Буюк Британия (71 балл), Польша (54 балл) ва Туркия (34 балл)) киради.

Коррупцияни қабул қилиш индексида ўз кўрсаткичларини яхшилашга саккиз мамлакат эришган: Ирландия (77 балл), Жанубий Корея (63 балл), Арманистон (47 балл), Вьетнам (41 балл), Мальдив ороллари (39 балл), Молдова (42 балл), Ангола (33 балл) ва Ўзбекистон (33 балл).

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.



2-расм. “Transparency International” индексида Ўзбекистон ўрнининг йиллар кесимида ўзгаришлари⁴

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли барча рейтинг ва индексларда ўтган йилгиларга қараганда Ўзбекистон ўрни яхшиланиб бормоқда.


“Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўрни 5 поғонага кўтарилиб, 180 та давлат орасида 33 балл билан 121-ўринни эгаллади (2022 йилда 31 балл билан 126-ўрин), сўнгги олти йилга солиштирганда эса – 37 поғона юқорилади.



Мазкур индексда мамлакатимиз кўрсаткичлари Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида ижобий томонга ўзгарган 5 та (Грузия, Молдова, Украина, Косово) давлатдан бири бўлгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда “Давлат хизмати тўғрисида” ги, “Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида” ги Қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансabdор шахслар, шунингдек судьяларнинг хатти-ҳаракат меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.



3-расм. Коррупцияга қарши курашиш зарурати ва механизмлари⁵



Эътиборли жиҳат шундаки, мазкур нормалар билан давлат хизматчиларининг олиши мумкин бўлган совға ёки ҳадяларнинг аниқ миқдори ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, АҚШ да ушбу миқдор 20 АҚШ долларини, Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт, Россияда 3000 рубл этиб белгиланган, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланади, Сингапурда давлат бошқарувида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг гонорар, займ, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши таъқиқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юқоридаги хориж тажрибаси вазирлик тизимида жорий қилинган бўлиб, унга кўра ходимларнинг фуқаролар, бошқа ташкилотлар ходимлари, жумладан турли жойлар ва хорижий мамлакатларга уюштирилаётган хизмат сафарлари давомида совғалар олиши тақиқланди. Хорижий сафарлар давомида олинган совғалар, вазирликка ўтказиладиган тартиб жорий қилинди.

Коррупция ҳам иқтисодиёт, ҳам сиёсий тизим, ҳам жамият фаровонлиги учун улкан хавфдир. У мавжуд жойда давлат бошқарувининг барча даражалари сустлашади, солиқ тушумлари камаяди, аҳолида эса адолат ва ҳуқуққа ишонч пасаяди. Шу боис, коррупцияни тезкор бартараф этиш, эҳтиёж бўлса жазо чораларини кучайтириш, институционал шаффофликни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, мувофиқ кадрлар сиёсатини юритиш ва доимий равишда обрў-эътиборли мониторинг ўтказиш орқали коррупция даражасини сезиларли камайитириш мумкин.

Коррупцияга қарши кураш - узлуксиз жараён. У муваффақиятли бўлиши учун бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда - ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳа сифатида иш олиб борилиши лозим. Агар ушбу чоралар комплекс тарзда жорий этиб борилса, коррупция сезиларли даражада чекланади ва жамиятда ҳалоллик, адолат ҳамда шаффофлик каби қадриятлар устувор бўлади. Жаҳонда коррупция ўта мураккаб ва тизимли муаммо бўлиб, иқтисодий ўсишни тежайди, сиёсий барқарорликка путур етказиши ва жамиятда адолат ҳиссини сусайтиради. Ушбу иллатни бартараф этиш ҳар бир давлатда ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва маърифий чораларни бир вақтда амалга оширишни талаб қилади. Қонун устуворлиги, мустақил суд тизими, шаффофликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик контроллиги каби устувор ёндашувлар



эвазига коррупция даражасини камайтириш мумкин. Қувонарлиси, айрим мамлакатлар халқаро ҳамкорлик ва илғор технологияларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришмоқда. Демак, жаҳон миқёсида ўсиб бораётган иллатни жамият сафарбарлиги, сиёсий ирода ва мустаҳкам ҳуқуқий базалар орқали тўхтатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Индекс восприятия коррупции-2014.
2. <https://www.transparency.org/ru/press/cpi2023-corruption-perceptions-index-weakening-justice-systems-leave-corruption-unchecked>
3. Коррупция во Франции – это не эпидемия.
http://newsradio.com.ua/rus/2013_04_23/Korrupcija-voFrancii-jeto-ne-jepidemija/
4. Коррупция в Германии: успехи в борьбе с неистребимым злом
<http://www.dw.com/ru/a-17269745>
5. Коррупция в США <http://ruxpert.ru>
6. Монбио Дж. Не будем себя обманывать ☐ возможно, мы взятки не даем, но коррупция в Британии процветает.
<http://inosmi.ru/world/20150320/226985705.html#ixzz3k54Ijc9Z>.
7. О докладе, посвященном коррупции в странах ЕС.
<http://korrossia.ru/world/10796-o-doklade-posvyaschennom-korrupcii-v-stranah-es.html>.
8. США увеличили расходы на «поддержку демократии» в России.
http://lenta.ru/news/2015/05/13/us_democracy/
9. Brianna Ehley \$6 Billion Goes Missing at State Department //The Fiscal Times. April 4, 2014.
10. Corruption perceptions index: in detail.
http://www.transparency.org/cpi2013/in_detail#myAnchor
11. <http://www.transparency.org/cpi2022/results>
12. <https://www.lex.uz/acts/3088008>